



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2022 йил «26» апрель

175-11-0-Q/22

Фарғона вилояти ҳокимлиги

Электрон аукцион савдоларда ижара ҳуқуқи билан сотиладиган ер участкаларининг 2022 йил учун минимал қийматини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонида, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят Давлат солиқ бошқармаси билан Кадастр агентлиги Фарғона вилоят бошқармасининг таклифларини кўриб чиқиб ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Кадастр агентлиги Фарғона вилояти бошқармасининг қўшма хатлари асосида киритилган таклифлари инобатга олинсин.

2. Фарғона вилояти шаҳар, туманлари учун юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишга ер участкаларини ижара ҳуқуқи билан бериш мақсадида ўтказиладиган

электрон аукцион савдоларда ер участкасининг бошланғич нархлари 2022 йил учун иловага мувофиқ белгилансин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари аукцион ғолиби билан белгиланган муддатда ижара шартномасини тузилишини таъминласин.

4. Вилоят Молия бош бошқармаси (Рўзалиев) тушумларнинг ўз вақтида тақсимланиши ва мақсадли сарфланиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

5. Вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Рахмонов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Машрапов) билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи билан бериш мақсадида белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

6. Ҳар бир туман (шаҳар) учун ер участкасига ижара ҳуқуқининг минимал қиймати ушбу қарор кучга кирган кундан эътиборан икки иш куни ичида давлат солиқ хизмати органлари томонидан «Yerelektron» ААТга киритилсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармасига мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вазифаси вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Исақов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Farg'ona viloyat hokimining
2022 yil 26 apreldagi
175-11-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Фарғона вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон аукцион савдоларда ер участкаларини ижара ҳуқуқини (0,01 гектар майдони учун) бошланғич нархлари

(МИНГ СЎМ)

№	Шаҳар ва туман номи	0,01 гектар учун бошланғич нарх												
		Шаҳар ва туман марказларида						Бошқа ҳудудларда ҳамда йўлдош шаҳарчаларда						
		Саноат ва ишлаб чиқариш фаолияти йўналишида	Кичик ва ёшлар саноат зоналари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш йўналишида	Савдо, маиший, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида		қўп квартиралли уй-жойлар йўналишида	Соғлиқни сақлаш, таълим ва мактабгача таълим, маданият муассасалари	Саноат ва ишлаб чиқариш фаолияти йўналишида	Кичик ва ёшлар саноат зоналари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш йўналишида	Савдо, маиший, хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа йўналишларида	қўп квартиралли уй-жойлар йўналишида	Соғлиқни сақлаш, таълим ва мактабгача таълим, маданият муассасалари
шаҳарнинг марказий ҳудудлари	шаҳарнинг чекка ҳудудлари													
1	Фарғона шаҳар	6 000,0	5 000,0	2 000,0	30 000,0	15 000,0	20 000,0	9 000,0	1 500,0	1 000,0	1 000,0	3 000,0	8 000,0	2 000,0
2	Марғилон шаҳар	6 000,0	5 000,0	2 000,0	25 000,0		20 000,0	9 000,0	1 500,0	1 000,0	1 000,0	3 000,0	8 000,0	2 000,0
3	Кўкон шаҳар	6 000,0	5 000,0	2 000,0	25 000,0		20 000,0	9 000,0	1 500,0	1 000,0	1 000,0	3 000,0	8 000,0	2 000,0
4	Қувасой шаҳар	3 000,0	2 500,0	2 000,0	10 000,0		15 000,0	7 000,0	1 500,0	1 000,0	1 000,0	3 000,0	8 000,0	2 000,0
5	Бешариқ тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
6	Бағдод тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
7	Бувайда тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
8	Данғара тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
9	Ёзёвон тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
10	Олтиариқ тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
11	Риштон тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
12	Сўх тумани	2 000,0	2 000,0	1 000,0	5 000,0		5 000,0	4 000,0	1 000,0	1 000,0	700,0	2 000,0	5 000,0	1 500,0
13	Тошлоқ тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
14	Учкўприк тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
15	Фарғона тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
16	Фурқат тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
17	Ўзбекистон тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
18	Қува тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0
19	Кўштупа тумани	3 000,0	2 500,0	1 000,0	5 000,0		8 000,0	4 000,0	1 500,0	1 000,0	700,0	2 000,0	8 000,0	1 500,0

Изоҳ: Фарғона шаҳрининг чекка ҳудудлари деб - Мустақиллик, Хўжамағиз, Сурхтепа, Шаршара, Оқарикобод, 1-Бешбола, Гулистон, Ипак йўли, Афросиёб МФЙ лар назарда тутилган. (Мазкур МФЙлар ҳудудидан ўтган асосий автомобиль йўллари бўйида жойлашган ер участкаларига нисбатан марказий ҳудуд нархлари қўлланилади)